

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 181 (970), 2023 йил 6 сентябрь, чоршанба



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни Покистон Ислоҳ Республикаси Қуролли кучлари Қуруқлик қўшинлари қўмондони генерал Асим Мунир бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбатда илгари қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ ўзаро савдонинг юқори ўсиш суръатини давом эттириш, инфратузилмавий лойиҳаларни тезлаштириш ҳамда икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперация алоқаларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан фикр алмашилди.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МУСТАҚИЛ ТАРИХИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА БУНДАЙ ШАҲАР ҚУРАЯПМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни Янги Тошкент шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида яшаётган ва ишлаётган аҳоли сони қарийб 5 миллион нафарни ташкил қилмоқда. Кўплаб уй-жойлар, муассасалар барпо этилиб, инфратузилма тармоқларига юклама ортмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу масалани алоҳида эътиборга олиб, Тошкентни ривожлантириш режаларини 15-20 йил олдиндан белгилаш вазифасини қўйган эди.

Жорий йил 20 июлда Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари буйича Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу улкан лойиҳа учун Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 19 минг 720 гектар ер танлаб олинган.

Жорий йил 20 июлда Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари буйича Президент қарори қабул қилинди.

мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган амалиётлар асосида Бош режа, тармоқ режалари ва манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳада яшиллик, қулайлик ва тежамкорликка алоҳида эътибор қаратилган, фаол иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт уйғунлаштирилган, транспорт тармоқлари пойтахтимиз билан оқилона боғланган.

Умуман айтганда, Янги Тошкент "ақлли" ва "боғ шаҳар" бўлиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, шаҳарда ишбилармонлик ва инновация туманлари, таълим, тиббиёт ва туризм кластерлари бўлади.

Бу компонентлар лойиҳаси Сингапур, Англия, Хитой, Германия, Туркия,

Нидерландия, Жанубий Корея, БАА каби давлатларнинг 20 та илгор компанияси томонидан ишлаб чиқилмоқда.

— Ўттиз икки йиллик мустақил тарихимизда биринчи марта бундай шаҳар қурапмиз, бунга дунёдаги илгор компанияларни жалб қиляпмиз. Лекин биздаги соҳалар, стандартлар шунга мосми? — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев.

Президент Бош режа асосида йил охирига қадар батафсил лойиҳалаш ишларини якунлаш, биринчи босқич иншоотлари буйича лойиҳачи ва қурувчи корхоналарни аниқлаш буйича кўрсатмалар берди.

— Нима учун бу лойиҳани шомасдан, қайта-қайта қурапмиз? Бу шаҳар юз йиллаб халққа хизмат қилиши керак. Одамлар биринчи ўринда бўлиши, келажакдаги қурилишлар ҳам инобатга олинishi зарур.

Бўлажак бинолар ва инфратузилма эксплуатациясини хозирдан ўйлаш, бу буйича мутахассислар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Маҳалла "Ватан ичидаги мўъжиз ватан" дейилиши бежиз эмас. Ҳаётимизнинг кўп қисми, табиийки, қувончли лаҳзаларимиз ҳам, синовли дамларимиз ҳам маҳаллада кечади.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳалла инфратузилмаси ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор халқимизнинг дунёқараши ва турмуш тарзида туб ўзгариш ясамоқда.



УЙ ҲАМ, КЎЧА ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

га тушириш, маҳалладан туриб давлат органларига мурожаат қилиш тизимини яратиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизга давлат мукофотларини топшириш маросими-

да маҳалла тизимидаги ислохотлар хусусида яна бир қарра тўхталиб, уни ривожлантириш буйича ишларимиз қатъий давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тизимдаги ислохотлар тобора жадаллашиб бормоқда. Маҳаллада рўй

бераётган ўзгаришлар эса халқимизнинг ҳаётига ўзгача маъно-мазмун бахш этмоқда, юртдошларимиз, аynиқса, ёшларимиз шурурида юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтирмоқда.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ТАШАББУСЛАР АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Жорий йил 18 августда тадбиркорлар билан очик мулоқот мамлакатимизда бизнес муҳити янада яхшиланиши учун навбатдаги қадам бўлди.

Очик мулоқотдан кўп ўтмай, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.



Давоми 4-бетда

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Архивларда СИР ТУТИЛГАН ашчиқ қисматлар

"Мен бу асарни ўтган асрнинг энг қора кунларига қайтиб, жадид момоларимиз билан бирага ёниб, кўйиб, мустабид тузум қамоқхоналарининг зах ертўлларида фарёд чекиб ёздим. Улар нима учун бунчалар қаттиқ азоб ва ғам чекди? Миллатни озод қўриш, маърифатли ва бахтли кунлар тезроқ келиши учун ўз умрини қурбон қилган жасоратли аёллар эди", дейди шеърин роман муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа САЛИМОВА.

Ижод ахлидан ўзбек жадид хотин-қизлари ҳаётдан сўзлагувчи бир шеърин роман ёзилаётгани ҳақида эшитиб, ушбу асар билан боғлиқ изланиш жараёнига қизиқиб қолдик.

Давоми 6-бетда

СПОРТ – РУҲ ВА ДИЛ ТАНТАНАСИ

ИККИ ҚАРРА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛАМАН!

5-бетга қаранг.

АКС САДО

САЛОМАТЛИК

ҲУКУК

БУНДАЙ ЭЪТИБОРНИ КУТМАГАН ЭДИМ

Исломжон ОРИФЖОНОВ, Риштон тумани "Чинор плюс 2020" МЧЖ раҳбари, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳиби

Хушxabарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланганим ҳақидаги хабар шуқуҳи ханузгача тингани йўқ. Айниқса, тадбиркорлик соҳасига қўлимдан етгаклар олиб кирган, ҳамма нарсага билим, ҳалол меҳнат ва изланиш орқали эришиш мумкинлигини уқтириб, таълим-тарбия берган ота-онам, яқинларим хурсандлигини сўз билан ифодалаб бера олмайман. Бундай эътибор, эътирофни кутмаган эдим.

Бундан беш-олти йил аввал бита лойиҳани амалга ошириш учун турли тўсиқ, қозғозликлар ортидан оилаб, йиллаб югуришга тўғри келган. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаати қонун ҳужжатлари билан таъминланмаган эди. Хорижлик шерикларимиз сармоя киритиш, маҳсулот сотишдан кўрқарди. Инфратузилма тармоқлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Энди ҳаммаси ўзгарди. Ишлайман деганга барча шарт-шароит бор.

Зайниддин Саломов ийғирма беш йилдан буён қурилиш соҳасида фаолият юритади. "1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" хусусий корхонасини ташкил этиб, иш бошлаганидан бери вилоятда бир қанча мактаб, коллеж, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа объектларни ўз вақтида қуриб, фойдаланишга топширди. У бугун воҳада етакчи қурувчилардан. Бунёдкорлик сиру асрорларини пухта эгаллагани, ишига жиддий масъулият билан ёндашгани боис, кўпгина йирик лойиҳалар унга ишончи топширилади. Бу ишонч қанотида Зайниддин ака ҳар ишида сифатни биринчи ўринга қўйишга интилади.

БУГУНГИ КУН БОШҚА

Ҳозир амалдаги тартибга кўра, объектларни қуриш ёки реконструкция қилишдан олдин лойиҳа эскизини ҳудудий архитектура-қурилиш кенгашлири билан келишиш мажбурий. Бироқ кенгаш коллегиял орган бўлгани боис, унинг йиғилишини ўтказиш ва ҳулосасини олиш оилаб вақт талаб этади. Тадбиркорни ана шу муаммо анча йиллардан бери ўйлантириб келарди. Катта-катта учрашувларда бу муаммо ечими бўйича берган тақлифлари қолиб кетарди.

Корхона қурилиш материаллари билан ўзини ўзи таъминлашга интилади. Бу ерда алюмин профил, эшик ва ромлар, хусусан, МДФ эшик-дерезалар, сендвич панеллар, газоблок ва гипс, замонавий технологиялар асосида полестрон маҳсулотли ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда объектларни бунёд этишда ишлатиладиган қурилиш материалларининг 60 фоизга яқини бевосита корхонанинг ишлаб чиқариш тармоғи орқали таъминланади. Ишлаб чиқариш тармоғи мавжудлиги ҳозирги кучли рақобат шартларида корхонага устуңлик беради.

РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ УЛАР НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Наргиза ГУЛИМОВА, Бизнес омбудсман девони масъул ходими

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат ва бизнес вакиллари ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш учун қатор институционал тузилмалар ташкил этилди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмлари йўлга қўйилди. Хусусан, янги тахрирда қабул қилинган Конституцияда ушбу масалага алоҳида эътибор берилгани бизнес вакиллари мамлакат тараққиётида катта ўринга эга эканининг яна бир тасдиғи бўлди.

мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси янги тахрирда ишлаб чиқилди. Бу қонун нимаси билан аҳамиятли? Аввало, мазкур қонунга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ маъмурий ҳужжатлар фақат суд тартибиде бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топилгани қонун даражасида белгиланмоқда. Бундан ташқари, мулк ҳуқуқини бекор қилиш бўйича тартиб-таомиллар қонунности ҳужжатлар билан белгиланиши тақиқланяпти. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролик ва иқтисодий судларга мурожаат этишда давлат божи-ни тўлашдан озод этиш тартиби мустақамланмоқда. Қолаверса, хусусий мулк ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилишнинг кафолатлари янада кучайтирилади. Яъни хусусий мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилшини бартараф этиш, хусусий мулкка етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво мuddати қўлланилмайди. Шикоятнинг судга мурожаат қилиш мuddати ўтиб берилгани сабабли қаноатлантирилишини рад этиш давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари оқибатида етказилган зарарни ундиришга оид талабни суд тартибиде қўриб чиқиб ҳал этишни истисно этмаслиғи белгиланмоқда.

ДИЛ ИЗХОРИ

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

МЕҲНАТДАН ЭЪТИРОФ ТОПДИМ

Саодат НОДИРОВА, Нишон туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори, II даражали "Саломатлик" ордени соҳиби

Тиббиёт институтини тугатиб, Нишон туманига ишга келганимда, рост, шу касбни танлаганимга афсус чекканман. Каттагина орзу-ҳаваслар билан иш бошламоқчи бўлиб келганим. Барчаси бир пасда пучга чиққан. Боиси, шифохоналарда шароит жуда ачинарли эди. Бошқа жойга борай, десам уларда ҳам аҳвол бундан яхши эмасди. Лекин на илож, шу касбга ҳавас қилиб ўқиганимиз. Бир кун яхши бўлиб кетар, деган умидда тишни-тишга қўйиб ишлаб бошладик.

Ёш кадр бўлганим учун жуда қизиқувчан, ҳар бир ишга ҳаракат қилиб, кўпроқ одамларнинг дардига маълум бўлишга интилардим. Аммо керакли тиббиёт ускуналари етишмас, дори-дармон таъминоти ҳам ўзига яраша эди. Ҳозирги кунда, дори сотиб олган вақтларимиз ҳам бўлган. Маош ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлади. Олган ойлигимиз рўзгорга ҳам етмасди.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР



Энг яхши иш берувчи тадбиркор аёл

Тамара Юсупова Амударё туманининг Қиличбой овулидан. У тикувчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятини 2009 йили бошлаган эди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, дастлаб 3 миллион сўмлик, кейинчалик 40 миллион сўм кўрим эвазига "Tamara textile" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Банкдан олинган маблағга тикув машиналари, дазмон столлари, тикувчилик цехи учун зарур асбоб-ускуналар харид қилиб, фаолиятини мунтазам кенгайтириб борди.

Достонбек Бобоҷонов Амударё тумани аҳолисига замонавий талаблар асосида савдо хизмати кўрсатишни мақсад қилганди. Савдо марказида харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Мазкур савдо марказининг очилиш маросими мангитликлар учун эсда қоларли воқеага айланди.

Миллий иқтисодиётимизни барқарор юксалтириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги катта хизматлари, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун яқинда Тамара Юсупова "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тўло мuddати уч ойдан уч йилгача

Илгари тўла фойдаланилмай турган икки қаватли замонавий бинони ижарага олиб иш бошлаган тадбиркор

Жузимгул ишли бўлди

Нукус шаҳрида "Greeland" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси ишга туширилиши натижасида 31 фуқаро ишли бўлди.

3 фарзандим бор. Шу пайтгача уйда ишсиз ўтирганим.


Жузимгул Элмуротова. — Аёллар дафтерида рўйхатда тураман. Яқинда маҳалламизда ишга тушган ушбу корхонага ишга жойлашдим. Бу ерда барча



шароит бор. Махсус кийим-кечак билан таъминланганимиз. 3 миллион сўм атрофида маош оляман. Энг муҳими, ишонч нам уйимга яқин.

"Damir hotel"ga хуш келибсиз!

Ойгул Тошбоева Қорақалпоғистондаги фаол тадбиркор аёллардан бири. Қатъияти, ишининг кўзини билиши ва тинимсиз меҳнати туфайли жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Тиниб-тинчимас қиз яна бир лойиҳани ишга туширмоқчи.



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

www.yuz.uz

yuz.uz

yuz_official



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ШУКУХ

УЙ ҲАМ, КЎЧА ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

ВАТАНГА МУҲАББАТ ҚОНИМИЗДА, ҚАЛБИМИЗ ҚЎРИДА АБАДИЙДИР!



Равно ТУРДИБОВЕВА, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

“Обод кўча” мезони бўйича 12 кўчада ободонлаштириш ишлари бажарилиб, кўчалар асфальт қилинди, ариқ, канал, зовурлар тозаланиб, йўл ҳаракати белгилари ўрнатилди. Ушбу жараёнда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. Жумладан, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, банк хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам амалга ошириляпти. Натижада 113 фуқаро бандлиги таъминланди.

Бу каби ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, энг аввало, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини алоҳида кайд этиш жоиз. Чунки обод, тинч ва осойишта маҳаллада яшайдиган инсон яратишга, гўзалликка интилади. Шу боис, ўтган йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари кенг қўл оч ёймоқда. Хусусан, маҳаллаларимизда миллий анъана ва удуларимизнинг ажралмас қисми бўлган “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

“Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамини қўшаман!” шiori остида “Обод маҳалла, обод кўча, обод хонадон” дастури доирасидаги кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Натижада маҳаллалар, кўчалар, ҳар бир хонадон, ижтимоий объектлар, болалар майдончаларини ободонлаштиришга, маҳаллаларда аҳоли ва ёшларга муносиб яшаш ҳамда дам олиш учун зарур шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор қаратилиб, маҳалла ва хонадонлар ораста ҳолатга келтирилмоқда. Бу каби хайрли ишлар янги-янги ёндашувлар ва аниқ режа асосида бажарилаётгани халқимизнинг турмуш даражасини тубдан яхшилашда самара кўрсатмоқда.

Маҳаллаларда қадимдан ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш, жамиятдаги тинчлик-тотувлик муҳитига таъсир этадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ эзгу қадриятлар шаклланган.

Бу анъаналар давом этмоқда. Хусусан, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни камайтиришни таъминлаш механизми белгилаб қўйилиб, улар шароит ва салоҳияти бўйича беш тоифага ажратилган. Тоифалардан келиб чиқиб, фуқароларга молиявий, ижтимоий кўмак кўрсатилиб, уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида турли субсидиялар, кредит ва компенсациялар ажратиб келинмоқда. Солиқ имтиёзлари берилиб, фуқаролар ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ўтган даврдаги нисбатан қарийб уч баробар кўп, салкам 8 триллион сўм йўналтирилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг биринчи мақсадида маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш белгиланган. Унда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатини кенгайтириш, молиявий мустақиллигини кучайтириш, фуқароларнинг маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўридан-тўри алоқани таъминлаш, уларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш, маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш каби вазифалар белгиланган ва уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Бу жараёнда “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонларини жорий этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хоразм вилояти Янгириқ тумани Ширшол маҳалласида ҳам бундай ишлар авжида. Дастлаб республика, вилоят ва туман ишчи гуруҳи аъзолари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари хонадонлар ва маҳалла ҳудудида жойлашган ижтимоий объектлар ҳолатини ўрганди. Мезоннинг мазмун-моҳияти, хонадон маданияти ва соғлом турмуш маданиятини тушунириш бўйича семинарлар ўтказилди. Янги маҳалла биноси атрофида спорт майдончаси, тикувчилик чеҳи, банк хизматлари маркази, сартарошхона ва гўзаллик салоҳи қурилди. Маҳалладаги 3486 хонадонда “Обод хонадон” мезонини жорий этиш ишлари олиб борилди.



Шу билан бирга, 66 хонадон ичимлик сув тармоғига уланди, 50 хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш чоралари ишлаб чиқилди.

“Обод кўча” мезони бўйича 12 кўчада ободонлаштириш ишлари бажарилиб, кўчалар асфальт қилинди, ариқ, канал, зовурлар тозаланиб, йўл ҳаракати белгилари ўрнатилди.

Ушбу жараёнда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. Жумладан, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, банк хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам амалга ошириляпти. Натижада 113 фуқаро бандлиги таъминланди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи ҳам эътиборда. Шу мақсадда маҳаллада 3237 фуқаро тиббий куриқдан ўтказилиб, уларнинг 9 нафарига даволаниш учун ордер берилди ва 1 нафарига жаррохлик амалиёти ўтказилди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг 5 нафарига ногиронлик аравачаси, 8 нафарига эшитиш мосламалари тақдим қилинди.

этиб, ўз уйи атрофини тозалаш, кўчаларни обод қилиш мақсадида қурилиш, таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Функи уй ҳам, кўча ҳам ўзимизники, унинг тозаллиги ва ободлиги эса маҳалламиз ва юртимизни янада обод қилади, бундай масканда кайфият чоғ, файз-бароқа, ривожланиш бўлади.

Айрим хонадонларда фуқароларнинг ўз хонадонини обод қилиш ва озода сақлашга масъулият билан ёндашиш ҳисси суғлиги ҳам бор гап. Бу борада ишчи гуруҳ аъзолари, маҳалла фаоллари, нуруний отахонлар ва “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари томонидан аҳоли ўртасида хонадон ва соғлом турмуш маданиятини синдириш бўйича ўтказилаётган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ободонлаштириш ва яратувчилик халқимизга хос қадриятлардан. Бу ҳаракатлар, айниқса, фарзандларимизнинг она табиатини асраб-авайлаш, уларда хонадон ва маҳаллани тоза сақлаш, обод қилиш кўникмаларини янада мустаҳкамлаш билан ҳам аҳамиятлидир.

Албатта, маҳаллалардаги бундай хайрли ишлар кўлами кенгайиб бораверади. Зеро, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади.

Зулайхо АКРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ўттиз йилдан кўпроқ вақт олдин Ўзбекистон иқтисодиёти инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимчилиги асосланган, қарам республика эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу манзара секин-аста ўзгара борди. Бугун биз халқимиз билан биргаликда миллий тараққиётимиз йўлини танлаб олган, ривожланаётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатга айландик.

Айни пайтда жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимиз, аждодларимиз руҳини шод этаётган, уч минг йиллик давлатчилик тарихимиздан ҳақли равишда фахрлана оладиган, миллий маданиятимиз, санъатимизни ҳеч қандай “курساتмалар”сиз ривожлантираётган, уни дунё халқлари ўртасида намойиш этишга маънавий ҳақли авлодмиз.

Давр ва замон шиддати аро ўтаётган кейинги тараққиёт йўлини нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида ҳам ўзига хос бўлган, урناк бўлишга аризгулик из қолдириди, дея ҳақли равишда айта оламиз.

2017-2023 йиллар давомида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиш мушкул, қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатлар эвазига тақдим этилаётган шарт-шароитлар, тинчлик ва фаровонлик, ободлик ва кўрамлик — буларнинг бари бугун аъиз халқимиз ҳаётида аксини топаётгани айни ҳақиқат.

Айтмоқчиманки, бундан бор-йўғи бир неча йил аввал бошланган янги ҳаёт эпкинни бугун, фаровон ҳаёт истаётган миллионлаб инсонлар



қалбда янги истаклар, янги орзулар бўлиб ақс этмоқда.

Бугун орзуларимиз қуёшга томон буй чўзмоқда. Шўқри, юртимиз тинч, элимиз обод, бунинг ордидан эса барча тилаклар навбат билан ижобат бўлмоқда.

Ўтган бир йилнинг ўзидаёқ улкан тарихий бурилишга мензайдиган ислохотлар амалга оширилди.

Қатор муҳим сиёсий ва иқтисодий омиллارга кўра, йил давомида дунё жамоатчилиги эътиборида бўлганимизни алоҳида айтиб ўтиш адолатдан бўлади, назаримда.

Ўтган йилги амалий ишлар асоси учун, энг аввало, Президентнинг

Метронинг янги бекатлари фойдаланишга топширилиб, уларни номлашда кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди ва ўзига хос номлар қўйилди. “Тошкент метрополитени” ДУК матбуот хизмати тарқатган маълумотларга кўра, тигиз вақтларда Чилонзор йўналишида 1,5 дақиқа, Ўзбекистон йўналишида эса 3-3,5 дақиқа ҳамда Юнусобод йўналишида 5 дақиқа интервалда поездлар ҳаракати йўлга қўйилмоқда.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан соҳа мутасаддилари бу каби зарур чоралар кўргани ҳам, аввало, халқ манфаатига тўла мослиги билан эътиборга молик.

“Жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз. Маъно-маъмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шойилмасдан ишлаб чиқишимиз керак. Фуқароларимиз билдирган барча тақлиф ва истаклар, албатта, инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади”, деган фикрлар ҳам тўла ўз исботини топди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизнинг ўттиз иккинчи йили юртимиз учун залварли ва самарали босиб ўтилмоқда. Зеро, ислохотлар нафақат сиёсий, маъмурий, балки барча соҳаларда юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Ривожланишнинг бундай юқори шиддатини эса бугун ҳаммамиз ҳис этмоқдамиз. Камчиликлар ҳам бор-ку, дерсиз. Ҳа, бор. Ҳаёт бир текис ўтмайди. Лекин шуниси муҳими, ҳаётимиз кечадиган кўра, кун сайин яхшиланиб бормоқда.

Яқинда бир хабарни ўқиб, аввало, она сифатида жуда қувондим. Швейцарияда кимё фани бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари иккита олтин медални қўлга киритган. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ота-онани тўқилантириши бор гап.

Юртимиз фарзандлари ҳар соҳада иқтидорини намоян қилиб, халқаро миқёсдаги галабаларга эришаётганига кўнглим қолдиқ. Бирок бу ютуқлар ортидаги юксак эътиборни, сабур ва матонатни, энг асосийси, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни лаҳзага бўлса ҳам унуттишга ҳақли эмасмиз.

Жумладан, “Маҳалла бюджети” тизими эксперимент тарихида жорий этилган 14 тумандаги 764 та маҳаллада биринчи чорада жисмоний шахслардан олинган 45 миллиард 249 миллион сўм мол-мулк ва ер солиғи ўндирилишига эришилган. Бу ўтган йилдаги нисбатан 1,8 баробар кўп демакдир.

Жорий қилинган тизим маҳаллабай ишлашни янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатилмайдиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларининг бевосита маҳалла даражасига туширилишини таъминлади.

Пировардида, маҳалланинг ўзидаёқ кўплаб муаммоларни ҳал қилиш, жумладан, инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш, моддий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кутубхоналар, спорт майдончалари қуриш каби масалаларни ҳал қилишга мустаҳкам замин яратилди.

Яна бир мисол. Мурожаатномада Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда мингта замонавий автобус сотиб олиниши, ер усти метросининг 7 бекати ишга туширилиши, булар ҳисобидан эса ҳар куни 500 мингдан зиёд кишига қулайликлар яратилиши қайд этилган эди.

Бугунги кунда пойтахтимизда йўловчи ташини мавжуд талаблар асосида такомиллаштириш орқали атмосферага заҳарли газлар чиқишини камайтириш, қатнов ораллигини мақбуллаштириш ҳамда жазирама кунлари жамоат транспортида қулай ҳарорат бўлишини таъминлашга эришилганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Метронинг янги бекатлари фойдаланишга топширилиб, уларни номлашда кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди ва ўзига хос номлар қўйилди. “Тошкент метрополитени” ДУК матбуот хизмати тарқатган маълумотларга кўра, тигиз вақтларда Чилонзор йўналишида 1,5 дақиқа, Ўзбекистон йўналишида эса 3-3,5 дақиқа ҳамда Юнусобод йўналишида 5 дақиқа интервалда поездлар ҳаракати йўлга қўйилмоқда.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан соҳа мутасаддилари бу каби зарур чоралар кўргани ҳам, аввало, халқ манфаатига тўла мослиги билан эътиборга молик.

“Жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз. Маъно-маъмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шойилмасдан ишлаб чиқишимиз керак. Фуқароларимиз билдирган барча тақлиф ва истаклар, албатта, инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади”, деган фикрлар ҳам тўла ўз исботини топди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизнинг ўттиз иккинчи йили юртимиз учун залварли ва самарали босиб ўтилмоқда. Зеро, ислохотлар нафақат сиёсий, маъмурий, балки барча соҳаларда юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Ривожланишнинг бундай юқори шиддатини эса бугун ҳаммамиз ҳис этмоқдамиз. Камчиликлар ҳам бор-ку, дерсиз. Ҳа, бор. Ҳаёт бир текис ўтмайди. Лекин шуниси муҳими, ҳаётимиз кечадиган кўра, кун сайин яхшиланиб бормоқда.

Яқинда бир хабарни ўқиб, аввало, она сифатида жуда қувондим. Швейцарияда кимё фани бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари иккита олтин медални қўлга киритган. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ота-онани тўқилантириши бор гап.

Юртимиз фарзандлари ҳар соҳада иқтидорини намоян қилиб, халқаро миқёсдаги галабаларга эришаётганига кўнглим қолдиқ. Бирок бу ютуқлар ортидаги юксак эътиборни, сабур ва матонатни, энг асосийси, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни лаҳзага бўлса ҳам унуттишга ҳақли эмасмиз.

Зеро, Ватанга муҳаббат қонимизда, қалбимиз кўрида абадийдир.



МУНОСАБАТ

ТАШАББУСЛАР АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА



Наргиза ҚЎЗИЕВА,
Иқтисодийет фанлари
доктори, профессор

худудига кириш, солиқ тўловчининг худуди ва биноларини кўздан кечириш, солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда уни қақиртириш, ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш таққиланади. Қисқа қилиб айтганда, камерал назорат "солиқчининг қуроли" эмас, балки тадбиркорга хатосини курсатиб, уни тўғрилашга ёрдам берадиган жараён бўлиши керак. Ваҳоланки, камерал назорат тўлақонли солиқ текширувиге айланиб кетганди.

Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиги айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланмоқда. Сунгги олти йилда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарор, меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларнинг расмийлаштириш тартиби содда-лаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баробар қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловлар бартараф берилди.

Сунгги етти йилда солиқлар тури 16 тадан 9 гага қисқарди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида уларнинг ихтиёрида 120 триллион сўмдан зиёд маблағ қолгани шундан далолат беради.



Шуни таъкидлаш керакки, қарорда солиқ масаласига алоҳида урғу берилгани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, энди қўшилган қиймат солигининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) солиқ узиллиши (тах фар) коэффициентини қўллаш амалиёти таққиланади. Гап шундаки, ҳозирги тадбиркорларни хавф гуруҳига киритиш тизими ёпиқ бўлиб, интизомли солиқ тўловчилар ҳам қайсидир ҳамқори қачонлардир хато қилган бўлса, унинг учун жавоб бераётганди. Ўтказилган сўровларда қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг 70 фоизи ушбу солиқни қайтаришда солиқ узиллиши коэффициентини қўллаш, яъни "тах фар" тизими адолатсиз эканини билдирган.

“ Янги қарорга кўра, қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинади.

Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида қўрилётган ишлар маъмурий судларга ўтказилади. Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати беш йилдан уч йилга туширилади. Камерал солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчининг

кенгайтирмоқда. Тадбиркорлар сони охири йилларда 3 баробар ошди. Кўп ишбилармонлар бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб янги иш ўринлари яратиб, йирик корхоналарга айланди. Ички ва ташқи бозорда нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

“ Тўғри, очик мулоқот олдиран ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркор солиқ соҳасидаги ислохотларни ижобий баҳолаган. Аммо соҳада бизнесга ортиқча аралашшиш ва коррупция билан боғлиқ ҳолатлар йўқ эмаслиги ҳам бор гап. Энди бу тизим тубдан ислохот қилинади, солиқ идоралари ходимлари ёндашувлари бутунлай ўзгарилади. Солиқ маъмуриятчилиги ҳам соддалашади.

Тадбиркорлар билан учрашувда илгари сурилган барча ташаббуслар амалий ҳаракатга айланаётгани бизнес вакилларида катта куч-ғайрат бағишлаш баробарида, янги марраларга ундайди, албатта.



НУҚТАИ НАЗАР

Экинни ПАРВАРИШЛАШ МУҲИМ

ЛЕКИН ТАНЛАНГАН УРУҒ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

Одил ҚОБИЛОВ,
Уруғчиликни ривожлантириш маркази
директорининг биринчи ўринбосари

Ўртимизда пахта йиғим-теримига киришилмоқда. Фермеру деҳқонлар табири билан айтганда, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш эрта баҳорда ерга қандай чигит қадалганига боғлиқ. Аслида, уруғчилик нафақат пахта, балки қишлоқ ҳўжалигининг барча экинлари учун катта аҳамиятга эга тармоқ. Шу боис, кейинги йилларда мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, экинлар селекцияси ва уруғчилиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда жорий йил пахта ҳосили учун 44,1 минг тонна уруғлик чигит етказиб берилди. Шундан 1 минг 652 тонна юқори авлодли (элита) уруғлик чигит марказимиз тизимидаги 52 та элита уруғчилик ҳўжалиги томонидан тайёрланган бўлса, қолган қисми R-1 ва R-2 авлодли уруғлик чигит етиштиришга ихтисослаштирилган кластер ва фермер ҳўжаликлари улушига тўғри келади.

Уруғлик пахтани парвариш қилиш ва агротехник тадбирлар ўтказилишини ўрганиш бўйича соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, уруғлик пахта майдонларида мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида хато ва камчиликларга йўл қўйилган 1,383 гектар майдон уруғчиликдан чиқарилди. Чунки бундай ердан сифатли чигит олиб бўлмайди.

Ғаллачилик бўйича эса жорий йил ҳосили учун 96,8 минг гектарга уруғлик дон экилди. Вегетация даврида мониторинг ўтказилиб, уруғлик ғалла етиштириш ва агротехник тадбирлар бўйича амалий ёрдам қўрсатилди. Бу борада ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилган 7,2 минг гектар майдон яроқсиз бўлиб чиқди.

Умуман, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги қарорига асосан, 89,6 минг гектар уруғлик ғалла

“ Марказ тизимидаги элита уруғчилик ҳўжаликларининг қарийб 6 минг 136 гектар майдонида экинлар уруғликлари жойлаштириш режаси туман ҳўкимликлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.



майдонида апробация тадбирлари ўтказилди. Натижада 12,3 минг гектар майдон яроқсиз деб топилди. Ўз навбатида, унинг ўрнини қоплаш мақсадида хориждан уруғлик келтириб экилди. Пировадда 4 минг гектар майдон худудий апробация комиссияси томонидан танлаб олинди.

Марказ тизимидаги элита уруғчилик ҳўжаликларининг қарийб 6 минг 136 гектар майдонида экинлар уруғликлари жойлаштириш режаси туман ҳўкимликлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Элита уруғчилик ҳўжаликларини бирламчи уруғлик билан таъминлаш учун Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар, Дон ва дуққаки экинлар, Сабазот, полиз экинлари ва картошкачилик ҳамда Шолчилик илмий-тадқиқот институтларидан 2023 йил ҳосили учун 16,5 тонна оригинал ва элита уруғлик харид қилиш бўйича шартномалар тузилди.

“UZBEK SEEDS” — МИЛЛИЙ БРЕНД

Марказимиз олдида қўйилган вазифалар кўп. Жаҳон бозори конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда юртимиз тупроқлик шариоғига мос қишлоқ ҳўжалиги экинлари тури ва навларини аниқлаш, худудларни ихтисослаштириш, уларнинг уруғлик ва кўчатларини тайёрлаш, фойдаланиш ҳамда экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш, “Uzbek seeds” миллий бренди яратиш шулاردан энг асосийлари. Шу мақсадда бу йил 12 та цехимизда 7,4 минг тонна уруғлик чигит туксизлантирилди, 16,5 минг тоннааси дориланиб, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари “Uzbek seeds” миллий бренди остида етказиб берилди.

Бошлангич лойиҳа сифатида “Анджон пахта уруғчилиги” МЧЖни модернизация қилиш бўйича 2,4 миллион долларлик лойиҳа ишлаб чиқилиб, тендер ўтказилди. Лойиҳани молиялаштириш мақсадида Жаҳон банкининг Халқаро тикланиш уюшмаси кредитини қайта кредитлаш тўғрисидаги битим лойиҳаси тасдиқланди. Лойиҳа доирасида бугунги кунга 1,8 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги уруғлик чигит тайёрлаш цехларини модернизациялаш бўйича 4,3 миллион



“ Соя етиштирувчи субъектларни юқори авлодли уруғлик билан таъминлаш ҳамда импорт ҳажминини камайтириш йўлида Туркиянинг “Natural seeds” компанияси билан тизимдаги қатор элита уруғчилик ҳўжаликлари ҳамқорлик шартномалари имзоланди.

долларлик лойиҳалар ишлаб чиқилиб, Озёқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказига яқини маълумотлар киритилди ҳамда тендер танловлари эълон қилинди. Ҳозир тендер якуни асосидаги ҳулоса Жаҳон банки экспертлари томонидан қўриб чиқилмоқда.

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН МУАММОЛАР

Тизимда гоё ва лойиҳалар бор, амалий ҳаракатлар фаол. Буни юқоридаги фикр, факт ва рақамлардан аниқлаш қийин эмас. Лекин айни чоғда фаолиятимизда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, 16 та уруғлик дон тайёрлаш цехини марказимиз балансида ўтказишда вуқудга келаётган қарийб 25 миллиард 774 миллион сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетдан қисқартирилмагани сабабли “Ўздонмаҳсулот” АҚ ушбу қарздорлик марказимиз тўлаб беришини талаб қилмоқда. Ваҳоланки, Солиқ кодексига агар товарларни бериш (хизматлар қўрсатиш) Ўзбекистон Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида бепул амалга оширилса, солиқ солишдан озод этилиши белгиланган. Бу бўйича Солиқ қўмитасига бир неча бор мурожаат қилинишига қарамай, масала ечилмасдан қолмоқда.

Яна бир масала. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги “Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хомашисини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорда уруғлик пахта етиштирувчи субъектлар томонидан уруғлик чигит учун 2-босқичда тўланадиган устува маблағларни тўлаш шартлари белгиланган. Бугунги кунда 2018-2021 йиллардан 66 миллиард сўмдан зиёд

саралаш ва қайта ишлаш ўқув дастурига асосан, мутахассислар малакаси мунтазам ошириб келинмоқда. Мана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ички эҳтиёждан ташқари қўшни Қозғоқстон ва Тожикистонга 1 миллион 684,5 минг долларлик 1 минг 231 тонна уруғлик “Uzbek seeds” бренди остида экспорт қилинди.



ЕЧИМ НИМАДА?

Муаммо бор экан, унга ечим топиш йўллари ишлаш лозим. Шу маънода, биз юқоридаги масалаларга ечим сифатида бир неча таклиф билдирамиз. Биринчиси, 16 та уруғлик дон тайёрлаш цехини марказ балансида ўтказишда вуқудга келаётган қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорликни бюджетдан қисқартириш масаласини Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодийет ва молия вазирлиги миқёсида ҳал этиш. Иккинчиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги “Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хомашисини етишти-

Мьянманинг “All Healthcare Public Company Limited” компаниясига тупроқлик шариоғига синаш ҳамда келгусида мазкур компанияга Ўзбекистон селекциясига мансуб уруғлик чигит экспортини йўлга қўйиш мақсадида қўзғанинг “Анджон-35”, “Анджон-36”, “Суптон”, “Наманган-77”, “С-6775”, “С-8290”, “Наманган-34” ҳамда “С-8265” навларининг R-1 ва R-2 авлодларидан 300 килограмм юборилди.

Соя етиштирувчи субъектларни юқори авлодли уруғлик билан таъминлаш ҳамда импорт ҳажминини камайтириш йўлида Туркиянинг “Natural seeds” компанияси билан тизимдаги қатор элита уруғчилик ҳўжаликлари ҳамқорлик шартномалари имзоланди. Унга асосан, ушбу йўналишдаги ҳўжаликларнинг 442 гектар ерида хориқлик мутахассислар жалб этилган ҳолда кафолатланган уруғлик етиштирилади.

Шунингдек, Жанубий Кореянинг “E Green Global Co., Ltd.” компанияси томонидан яратилган қорашқонинг вирусиз туғанақларини олиб келиш, экиш ва синовдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон шариоғига етиштирилаётган бошқа навларнинг ҳосилдорлиги ва сифат қўрсаткичлари билан таққошлаш мақсадида ҳамқорлик меморандуми имзоланди. Мақжўҳори уруғчилиги бўйича бундай ҳужжат Венгриянинг “Bazismag Kft.” компанияси билан ҳам тасдиқланди.

ришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш.

Учинчиси, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги қарори талабларидан келиб чиқиб, элита уруғчилик ҳўжаликларини оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиш масаласини бекор қилиш бўйича Давлат ахусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясига вазирлик таклифини киритиш.

Уйлаимизки, ушбу таклифларимиз тегишли ташкилотлар эътиборидан четда қолмайди.



СПОРТ – РУҲ ВА ДИЛ ТАНТАНАСИ

ИККИ КАРРА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛАМАН!



Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи

Мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги байрами ҳаётимда ёрқин саҳифа, қувончга ва ҳаяжонга тўла ёруғ кун бўлди. Қўқсимга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони тақиб қўйилганида қалбим фахрга, юрагим шодликка тўлди. Дунё саҳнасида ғолибликни ҳис қилиш қанчалар шавқли ва сурурли бўлмасин, она юртинг ардоғида эъзозланишинг, тақдирланишинг қиймати бошқача! Шу кун Президентимизга икки карра олимпиада чемпиони бўламан, деб ваъда бердим. Бу мақсадим йўлида тинмай меҳнат қиламан, албатта.

Бу шарафли ва нуфузли мукофот, юксак ишонч елкамга янада улкан масъулият юклади. Энди юртимнинг машҳур боксчиси, бокс мактаби раҳбари ва мураббийдан ташқари хизмат кўрсатган спортчиман. Бу қутлуғ довларни босиб ўтишимга, зафарли ютуқларни қўлга киритишимга қўйилган мустаҳкам ишонч кўпригимдир.

Аллоҳга шукр, кейинги йилларда кетма-кет омадим келиб, ютуқ ва зафарлар ёр бўлди. Аммо ҳар бир ғалабамда халқимизнинг чексиз меҳрини ҳис қилиб турдим.

Чет давлатларда мени ўзбекнинг машҳур боксчиси, деб аташади. Шу машҳурликни, юксак унвонларни ва ўзимга чексиз ишончни менга ким берди? Албатта, муқаддас она юртим, имкониятлар эшигини очиб берган давлатим, қўллаб-қувватлаб турган халқимиз. Ўзбек спорти Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга намойиш этиб келаётганини оддий қишлоқ боласидан тортиб, саҳро бағрида кўй-кўйсини боқиб юрган хоҳисор чўпон ҳам яхши билади.

Ёруғ ва истиқболли марралар

Мамлакат нуфузини дунёга тез танитадиган соҳалардан бири — спорт. Ўтган йиллар давомида юртимизда спортга қаратилаётган эътибор туфайли ёшларимиз жаҳон ареналарида ўз кучини, маҳоратини намойиш этмоқда. Бу келажакка ишончимизни мустаҳкамлаб, ғалабаларга, ёруғ ва истиқболли марраларга элтипти. Кейинги йилларда спорт соҳаси-

даги ислохотлар, натижалар ва тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзишга аризиғулик ютуқлар ҳақида айтгим келади.

Президентимизнинг “Боксини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бу спорт турини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани мураббийларимиз ва барча боксчилар қатори менга ҳам кучайрат бағишлади. Негаки, ўшандаёқ Ўзбекистонда бокснинг янада ривожланишини, спортчиларнинг қадр топишини англадим. “Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эса ҳаётимда туб бурилиш ясади. Бу қарор кўнглимга сурур ва шижоатимга катта куч бағишлади!

Индаллосини айтсак, ўзбек спортчилари ва мураббийларига аввал бугунгидек шарафлар яратилган эмасди. Олис Сурхон элида улғайган мендай оддий қишлоқ фарзандини гарчи болалигимданок медаллар шодасини қўлга киритиб, 13 ёшимда Ўзбекистон, 17 ёшимда Осиё чемпиони бўлсам-да, мени кўпчилик билмаган.

Ўзим, дийдираб, тунлари кўриб ётган кунларим кўз ўнгимдан ўтди. Онаннинг Сурхондарёдан оғир сумкаларни кўтариб, автобусларда қийналиб, қиш совуғиго ёз жазирасида қатнаганини эслайман. Пулим йўқлигини уйдагилардан яшириб, Чирчиқдан Тошкентгача пиёда, оч-наҳор келганим кўз ўнгимдан кетмайди. Тўғри, у кунлар ўтди. Аммо кўнгилдаги яралар баъзан тирнаб, азоб бериб туради. Ана шундай пайтда бугунги ёш укаларимизга ҳавас қиламан, бу имкониятдан тўғри ва унумли фойдаланинг, дейман.

Яқинда АҚШнинг Оклахома штатида нигериялик Оноре-де Эхваремега қарши рингга кўтарилдим ва биринчи раунддаёқ рақибимни нокаутга учратиб, ғалаба қозондим. Бу менинг профессионал боксдаги ўн учинчи ғалабам бўлди.

Яқинда АҚШнинг Оклахома штатида нигериялик Оноре-де Эхваремега қарши рингга кўтарилдим ва биринчи раунддаёқ рақибимни нокаутга учратиб, ғалаба қозондим. Бу менинг профессионал боксдаги ўн учинчи ғалабам бўлди.

Ҳар бир жангимда рақибларимни мuddатидан аввал мағлуб этдим. Ҳар бир жанг олдидан Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилиш, юртим байроғини янада юқори кўтариш шарафли бурчим ва вазифам эканини қалбим ҳис қиламан. Бу менга енгилмас куч бағишлайди.

САКСОН ЁШДА ҲАМ НАВҚИРОН

Инсон яхши яшашни, қулай муҳитда узоқ умр кўришни истайди. Бунинг учун эса соғлом ҳаёт тарзига амал қилиш зарур. Тўғри овқатланиш, кўпроқ пиёда юриш, бадантарбия машқларини бажариш, иллатлардан йироқ бўлиш билан мақсадга эришиш мумкин. Бу тартибга одатланган кишиларнинг жисми билан бирга қалби ва руҳияти ҳам поклана боради.

Шифокорларнинг таъкидлашича, мунтазам жисмоний фаол ҳаёт кечир-иш юрак қон-томир ишини муътадиллаштиради, касаллик пайдо бўлишининг олдини олади.

Мамлакатнинг энг олий ресурси, асосий бойлиги — халқимиз саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Юртимизда ўтган йиллар давомида аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Катта шаҳарлардан тортиб, чекка ҳудудларгача барпо этилган саломатлик ва велойўлакларда бугун спорт билан шугулланаётган, велосипедда юрган ёшув кексани учратиш янгилик бўлмай қолди. Очқич спорт мажмуалари бунёд этилиши тоза ҳавода тану руҳни чиниқтиришга хизмат қилмоқда. Ўз саломатлиги учун курашаётган кекса авлод вакилларининг ҳаракати эса ҳаммаша инсонга руҳий ўватид беради.

Соат тонги 5:00. Тошкент осмони хали ёришиб улгурмаган. Тунги ёмғир шаҳарга куз нафасини улашади. Одатда пойтахтнинг гавжум йўлларидан бири — Махтумқули кўчасида бармоқ билан санарили машиналар кўришиб, бўм-бўш автобуслар қатнови эндигина бошланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номдаги экохиёбон бу пайтда бўш бўлмади. Спорт билан шугулланишни одат қилган юртдошларимиз аллақачон хиёбонга олтанди.

Бонинг марказ томонидан айланма йўлга қараб одимлаётган, бир қўлида ҳасса тутиб олган ёш улў оналон — Любова Яковлева ҳамроҳ бўламиз.

— Салкам етти йилдан буён тонгни мана шу хиёбонда қарши оламан, — дейди Любова ая. — Шифокорлар менга коксартроз ташхисини қўйганида дастлаб саросимга тушиб қолдим. “Энг муҳими, ётиб қолманг, ҳаракатдан тўхтасангиз, ҳаммаси тугайди” — тўшака михланиб қоласиз”, деганди шифокор. Ҳажжонни босиб, эсимни йиғиб олдим. Ҳаракат қилишни бошладим.

У пойтахтнинг маркази 5-мавзесидан экобоккача ҳар кун яёв келади. Хасталик туфайли тонги машғулотлари аввалгига қили ҳасса ёрдамида бошлаган экан. Оёқларидан бир неча бор жароҳлик амалиётни ўтказган

қўриб турибсиз, у тетик, яшаппти. Бу эса Акбаржон, хотини дунёдан ўтгач, анча вақт ўзига келолмай юрди, ҳозир эса ҳаётини спорт орқали ўнглаб олди”.

Машғулотлар тартиби шундай: жисмоний имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бир соат юриш ёки югуриш, бир соат бадантарбия ва яна ярим соат юриш ёки югуриш. Тартибнинг учинчи қисми ихтиёрий. Чунки набираларини боғчага олиб борадиганлар ҳам бор.

— Умримнинг энг ёрқин дамлари темир йўл мактабиде ўқувчиларга немис тилидан сабоқ бериш билан ўтди. Тўққиз фарзандни вояга етказдим — уч ўғил, опти қиз... Ҳар кун эрталаб болалар ва улларнинг ота-оналарини мактабимиз спорт майдончасига тўплаб бадантарбия қилдирадими. Бу одатим мени ҳамон тарқ этмаган. Сиз ҳам бугун мен билан шугулланасиз, ўғлим, — дея тетик овозда ҳикоясини давом эттиради Любова ая.

Боғ бўйлаб кимдир юрган, кимдир юрган, кимдир бадантарбия билан банд. Югураётганлар орасида олтимши ёшдан ошганлар ҳам бор. Любова Яковлева хиёбонга мунтазам келадиган ҳар бир одамни танир экан. Йўл-йўлақай улпар билан таништирди: “Бу — Анваржон. Унда ўсимта аниқланган эди. Шифокорлар эс умри қолганини айтгач, курашини бошлади, касаллики енгди,

қолда бир соат юриш ёки югуриш, бир соат бадантарбия ва яна ярим соат юриш ёки югуриш. Тартибнинг учинчи қисми ихтиёрий. Чунки набираларини боғчага олиб борадиганлар ҳам бор.

Любова Яковлева билан бир соат сайр қилганимиздан сўнг спорт майдончасига йўл олдим. Шифокор Шавкат Ибрагимов (у кишини ҳамма меҳр билан Шавкат оға, деб қақирар экан) машғулотларни бошлади. Ўтган кунни тонги ёмғирда жамоадан фақат етти киши машғулотларда қатнашибди. Бугун эса улпар чамаси йигирмадан ортиқ. Ярим соат шугуллангандан сўнг икки



онахон учун сўлим боғ ва беминнат шароитлар айни мuddао эди. Шу-шу Любова Яковлева соғлигини тиклашни бошлади.

— Умримнинг энг ёрқин дамлари темир йўл мактабиде ўқувчиларга немис тилидан сабоқ бериш билан ўтди. Тўққиз фарзандни вояга етказдим — уч ўғил, опти қиз... Ҳар кун эрталаб болалар ва улларнинг ота-оналарини мактабимиз спорт майдончасига тўплаб бадантарбия қилдирадими. Бу одатим мени ҳамон тарқ этмаган. Сиз ҳам бугун мен билан шугулланасиз, ўғлим, — дея тетик овозда ҳикоясини давом эттиради Любова ая.

Боғ бўйлаб кимдир юрган, кимдир юрган, кимдир бадантарбия билан банд. Югураётганлар орасида олтимши ёшдан ошганлар ҳам бор. Любова Яковлева хиёбонга мунтазам келадиган ҳар бир одамни танир экан. Йўл-йўлақай улпар билан таништирди: “Бу — Анваржон. Унда ўсимта аниқланган эди. Шифокорлар эс умри қолганини айтгач, курашини бошлади, касаллики енгди,

дақиқали танаффус эълон қилинди. Танаффусдан сўнг мураббийлик қилишни Любова ая давом эттирди.

— Кўпчилик бизни чанги таёқлари билан юради, деб уйлайди. Аслида, бундай эмас. Булар трекинг таёқлари, узунлиги 65 сантиметрдан 145 сантиметргача бўлади. Таёқнинг учи резина билан қопланган, унинг ўзи эса хиёл эгилувчан. Асосий вазифаси инсон вазнини бутун тана ва таёқ бўйлаб мувозанатлаштиришдан иборат. Энди шугулланишни бошлаганимда қаддимни тик тутолмас эдим. Ҳозир кўриб турибсиз, ўн саккиз ёшли йигитдек қаддим рост! Бундан ташқари, қон айланishi, қон босимини меъёрлаштириш, нафас олиш йўллари очилиши ва улў ёшда ҳам умуртқа погонасини функционал ҳолатда сақлаш учун жуда фойдали, — дейди суҳбатдошимиз.

Трекинглар билан юрвучилар бугунги кунда ҳар йили ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро скандинавча юриш марафонига тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда Бухорода ўтган маҳаллий марафондан зафарлар билан қайтишган. Жамоанинг ўз инструктори ва телеграм мессенжериде гуруҳи ҳам бор. Улар ҳар кун экобоғ бўйлаб бир ярим соат юради.

Юриш давомида Пётр Тимофеевич ёшларга айтар сўзи борлигини маълум қилди:

— Эринчокликдан воз кечиш керак. Қарилдиқа инсон организми ўта таъсирчан бўлиб қоларкан. Ҳар қандай касаллик одамни тўшака михлаб қўйиши мумкин. Соғ танда — соғлом ақл, деган ўзбек мақолидан хабарим бор. Жуда тўғри гап! Спорт билан шугулланганде, ҳаётингизда тартиб-интизом пайдо бўлади. Ҳар бир сонияда ўпкангизни тўлдириб нафас оласиз, куч-ғайратга тўла бўласиз. Набиралар ёнингизда, улларнинг ҳаётинда ҳам фаол иштирок этиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир ёш йигит-қизга эртароқ спорт билан машғул бўлишни тавсия эмас, насиҳат қиламан.

Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи билан ошмо пойтахтликлар учун Тошкент тонги шундай бошланади.

Акмалжон ЙЎЛДОШЕВ эзиб олди.

СПОРТЧИЛАР УЧУН ЭШИКЛАР КЎП ОЧИШНИ УДДАЛАГАН МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНЯПТИ

Миран САХАТОВ, “Жасорат” медали соҳиби, жаҳон чемпиони

Спортга 2010 йили кириб қўлланман. Аслида, спорт ўзимни кашф этиш учун бир йўл эди. Ҳаёт одамга бир йўл кўрсатаркан, машаққатига чидасангиз, шунга яраша мукофотлар экан. Менда ҳам шундай бўлди ва бугун ҳар лаҳза ҳаётга раҳмат айтмаман.

Академик лицейда ўқиш билан бирга машғулотларга қатнай бошладим. Мақсад ўзимга енгилб қолмай, соғлигим устиде ишлаш, руҳиятимни чиниқтириш бўлган. Дастлаб парадзодо билан шугулландим. Бир мuddатдан сўнг пара-енгил атлетикага ўтдим. Кўзи ожизлар ўртасида бу спорт тури бўйича мусобақага тайёрлана бошладим.

рида 1-ўринни олдим. Кейинги баҳс Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Параолимпия уйинлари бўлди. Эстафета босқинида бронза медал ва йўлланмани қўлга киритиб, 2011 йил Туркиянинг Анталиа шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдим.

2012 йил май ойида Парижда Франция очиқ чемпионатида уч хатлаб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритдим. Бу Лондон Паралимпия уйинларига чипта эди. Паралимпия уйинларида энг ёш спортчи сифатида эътироф этилдим.

Орада олган жароҳатларим туфайли мураббийлар сакраш баҳсларида иштирок этишимга ружаст бермади. 2014 йил Жанубий Кореяда ўтган Параолимпия уйинларида фақат югуриш баҳсларида қатнашдим. Юртимизга битта олтин, иккита кумуш медал билан қайтдим. Шу йили “Эътироф — 2014” миллий тақдирлаш маросимида “Энг матонатли спортчи” номинациясига лойиқ қўрилдим.

2016 йил БААнинг Дубай шаҳрида қўлга киритилган олтин медал Паралимпия уйинларига йўлланма бўлди. Рио Паралимпия уйинларида 3-ўринни олдим. Бу натижама давлатимиз томонидан 75 минг АҚШ доллари, “Малибу” автомобили ва “Жасорат” медалли билан мукофотланди.



Садим сертификатни қўлга киритиб, Паралимпия уйинларида муваффақият қозонди.

Спорт ҳақиқий маънода мени чиниқтирди. Ҳаётга қарашларимни ўзгартирди. Илм олишга ундади. Докторантура муваффақиятли якунладим. “Умумтаълим мактабларида тарих фанида аудиодарслиқдан фойдаланиш ва такомиллаштириш” мавзусида илмий

тадқиқот қилияман. Ишим ҳимояга тайёр. Мавзу долзарб. Кўзи ожиз инсонлар учун брайль ёзувидаги китобларни кўтариб юриш ноқулай бўлгани учун аудиокитоблар яратиш бўйича тадқиқот бажарилган, муаммолар таҳлил қилиниб, ечимлар тақлиф этилган.

Бугунги кунга натижалар билан келишимиз ўз-ўзидан бўлмади. Табиийки, меҳнат қилдик, машаққатларни енгиб ўтдик. Яратилган шароитлар, кўрсатилган кўмаклар туфайли йиқилган жойимизда қаддимизни кўтардик. Аслида, спортчи учун бугун эшиклар кўп, фақат қийинчиликлардан қўрқмай, ўз устиде ишлаб интиқилганларга бу эшикларни очилиши удалайди.

Бошқа соҳаларни камситмаган ҳолда айтганимиз, мамлакатни тез дунёга танитадиган соҳа — бу спорт. Спорт миллат ва ирқ танламайди, у барчани ўз атрофида бирлаштиришга қодир восита, дейиш мумкин. Спорт орқали кўплаб мамлакатларга борамиз, мусобақалардан сўнг бошқаларга юртимиз, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, қолверасе, тарихи неча асрларга бориб тақалладиган қадимий обидаларимиз ҳақида сўзлаб берамиз. Табиийки, суҳбатлар жараёнида чет эллик ҳамкасбларимизда Ўзбекистонга қизиқ ортади. Айниқса, сўнги йилларда юртимизни танийдиган, эътироф этадиганлар сафи кенгайди. Бу бизни қувонтиради, ғалабаларга руҳлантиради.

Саҳифани “Янги Ўзбекистон” мухбирлари Гуличеҳра ДУРДИЕВА, Башорат ЮНУСОВА тайёрлади.

